БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

36 ИЙЛ ЧИҚИШИ.
№ 130 (4121).
3 ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА
1969 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

Катта йўлнинг икки томонида икки йирик хўжаликнинг пахтазор ерлари жойлашган. Ҳозир деҳқонлар ана шу майдонларда мўл ҳосил етиштириш, пахта хирмонини янада баракали қилиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Охунбобоев номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг далаларида бўлсангиз механизаторларнинг ғайрат кўрсатиб ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Моҳир йигитлар техникани усталик билан бошқариб, суръатга-суръат қўшмоқдалар. Шу сабабли хам далалардаги ниҳоллар тез ривожланиб, бўйига-бўй қўшяпти, ҳосил шохларини кўпайтиряпти. Суратда: (юқорида) Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил топшириш учун курашётган звеносининг бошлиғи Р. Шарифбоев, (пастда) Карл Маркс номли колхозининг пешқадам механизатори Ҳ. Зокиров ўртоқлар.

ҒАЙРАТГА - ҒАЙРАТ ҚЎШАМИЗ

Бизнинг бригадада иккита звено бор. Буларга коммунистлардан У. Ортиқов, У. Шарипов ўртоқлар раҳбарлик қилишади. Бу икки механизаторнинг ишидан ғоят мамнунмиз.

Бригадамиз ҳар йили бундай тиниб-тинчимас, сергайрат кишиларга ишониб мажбурият олади. План ҳам ортиғи билан адо этилади. Ўтган йили ҳар гектар ердан 22 ўрнига 30 центнердан хирмон кўтарилди.

Бу йил 23 ўрнига 32 центнердан хирмон кўтариш мажбурияти олинди. Звено аъзолари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлашяпти. Кўчатларни меҳр билан парвариш қилишда, бегона ўтларни йўқотишда ишлаётган Насиба Турданбоева, Бахтигул Турданбоева, Назира Қаршиева, Гулшод Турдиева каби деҳқонлардан миннатдормиз. Улар қисқа вақт ичида барча майдонларни бегона ўтлардан ҳоли қилишмоқда.

Ишнинг сифатига жиддий аҳамият бериляпти. Ниҳолнинг тагини яхши юмшатиб, бир текисда озиқланишига эришмоқдамиз. Бизда колхозчиларнинг баракали ишлашлари учун барча қулайликлар мавжуд. Дала шийпони пахтакорлар хизматида. Болалар боғчаси ишлаб турибди.

Б. ЖУМАНОВ,
Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.

ДЕҲҚОН МЕҲРИ БИЛАН

«18500 тонна канап, 2483 тонна пахта сотамиз!».

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг деҳқонлари беш йилликнинг тўртинчи йили мавсуми учун белгиланган марраларни ана шундай.

Колхоз миришкорлари ўтган йили канап тайёрлаш планини бажара олмай, 91,5 процентда қолган эдилар. Бу догни ювиш учун улар шу кунларда социалистик мажбуриятга яраша ишни қизитиб юборишган.

— Канопчилик билан шуғулланаётган деҳқонларимиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ Пак Дем Хиб, — 1250 гектар ернинг ҳар гектаридан 148 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган бўлса, пахтакорларимиз гектаридан 31 центнердан дурдона етиштирадилар. Культивация ва озиқлантириш, суғориш каби тадбирлар бизда намунали ташкил этилган.

Ҳа, шундай. Бир картада ғўзага сув тараётган нуроний пахтакорни кўрсак, иккинчисида моҳир механизатор ғўзани культивация қиляпти. Учинчи картада эса канопга суғоришдан олдин озуқа бериляпти, бошқасида уста сувчилар канопни мириқтириб суғоришяпти.

Колхознинг А. Абдумуталов бошлиқ 7-бригада канопзорлари, Яқиндагина қатор оралари кўриниб турган бу пайкалларда кундан-кунга яшнаётган, бўйига бўй қўшаётган канап ниҳоллари энди уларни босиб кетган. Бригада аъзолари бу йил 126 гектар майдонга канап экишган. Гектаридан 156 центнердан канап поясини олиш уларнинг энг асосий ва бирдан-бир мақсади.

Ўтган йили колхозда луб экинларининг қатор оралиғи 60 сантиметр кенгликда экилган бўлиб, ҳар пуштага икки қатордан уруғ ташланган эди. Бу йил деҳқонлар бошқачароқ тадбирни қўллашди. Ҳар пуштага бир қатордан уруғ ташлаб, қатор оралари кенглигини 45 сантиметрдан олишди. Бунда канап поясининг эркин ўсади. Шамолдан, қуёшдан яхши баҳра олади. Натижада мўлжалдаги ҳосилни олишга ҳамма имкониятлар яратилади. Агар ишлови яхши йўлга қўйилса, озуқаси ўз вақтида берилиб сувдан чанқатиб қўйилмаса, мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга ҳамма имконият яратилган бўлади. Канопзорларда культивация ҳам сифатли ўтказилди. Гектарларга 300 килограммдан азот берилди. Иш сувчиларда қолди. Колхоз канопзорлари сувчиларга бириктиб берилган. Абдуфаттоҳ Абдурахмонов, Ҳайдар Турмоновлар ҳам 26 гектар канопзорни суғоришади.

Канопни ҳам, ғўзани ҳам суғориш жуда нозик иш. Ҳар бир пайкални суғораётганда шу пайкалнинг ҳамма хусусиятларини чамалаб кўриб, кейин иш бошлаш керак. Агар бир пайкал жуда катта бўлса, ундаги эгатлар ҳам узун бўлади. Унинг бир бошидан сув қўяверсангиз, этак томон ҳали сув ичмасдан туриб, қулоқ томон захлаб кетади. Шунинг учун ана шундай катта пайкалларнинг 2—3 ериданг бўлиб, қўшимча ўқариқ олиб суғорилган тақдирда ҳамма майдон бирдек сув ичиши мумкин бўлади.

Абдуфаттоҳ ака ҳам, Ҳайдар ака ҳам канап суғоришнинг ҳавосини олган уста деҳқонлардан. Шунинг учун ҳам ҳозир бу миришкорлар ишлаётган пайкалларги канап ўсимликларининг ривожи кўнгилдагидек. Бу колхозда ҳар бир сувчи учун бир кунда ярим гектардан канопзорни суғориш планлаштирилган бўлса, юқоридаги уста сувчилар ҳар куни 2 гектаргача ердаги канопзорни суғоришяпти.

Сувчиларни рағбатлантириш тадбирлари белгиланган. Бир сувчи бир кунда ярим гектардаги канопзорни мириқтириб суғорса, 6 сўмгача ҳақ олади. Ундан ошириб бажарган сувчиларнинг ишлари сифатли бўлса шунга қараб оладиган иш ҳақлари ҳам ошиб бораверади.

— Колхоздаги ҳамма сувчиларимиз бир-биридан қолишмайди, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Чиндавлат Утеboев, — ҳар бир сувчи ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажараётгани учун ҳам канап бақувват ўсяпти.

Бу колхознинг мириқкор сувчилари ҳам, механизаторлари ҳам ҳар бир туп ниҳолга ўз меҳрларини пайванд қилиб меҳнат қилашяпти.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

КОММУНИЗМ ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ УЧУН

Днепропетровск

Днепропетровск область ҳамда шаҳар партия активининг 30 июнда бўлиб ўтган йиғилиши коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши якунлари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш аҳли томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Л. И. Брежнев коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Бир овоздан қабул қилинган резолюцияда партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети июнь пленумининг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши якуларига берган баҳосини тўла ва тамомила қўллаб-қувватлади.

Партия активи йиғилиши область коммунистларининг фикрини ифодалаб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегацияси кенгашда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида қардош партиялар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни Ленин анаъаналари руҳида изчиллик ва принципиаллик билан ўтказганлиги ва ўзининг самарали фаолияти билан кенгашнинг муваффақиятли ишлашига ёрдам берганлигини партиямиз, унинг ленинча Марказий Комитети билан фахрланган холда уқтириб ўтди.

Ленинград

30 июнь. (ТАСС). Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгаши якунлари КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил июнь пленуми қарори Ленинград шаҳри ва области коммунистларининг диққат марказида турибди. Бугун Ленинград область партия ташкилоти активининг «Октябрский» залида бўлган йиғилишига заводлар, фабрикалар, қурилишлар, олий ўқув юртлари, Ленинград гарнизони қисмлари, колхоз ва совхозлар коммунистларининг салкам тўрт минг вакили келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгаши якунлари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти, коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашида КПСС делегацияси бажарган иш тўла-тўкис маъқулланади.

Новосибирск

30 июнь. (ТАСС). Бу ерда область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2 мингдан ошиқ киши қатнашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якуларига бағишланган доклад қилди.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади. «Новосибирск область партия ташкилоти активининг йиғилиши коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашида КПСС делегациясининг фаолиятини, КПСС нинг ички ва ташқи сиёсатини, ленинчи Марказий Комитетининг СССР қуқудратини ҳамда унинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш, империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социализм учун курашда куч-ғайратларини батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди».

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил июнь пленуми қарорини қизғин маъқуллаб, область меҳнаткашларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга чақирди.

Кемерово

1 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Кемерово область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини, жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлини, амалий фаолиятини қизғин маъқулладилар, Москвадаги кенгашда қабул қилинган ҳужжатлардан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари қарор қабул қилиб, шу қарорда коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашидаги КПСС делегациясининг фаолиятини, КПССнинг ички, ташқи сиёсатини якдиллик билан қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил июнь пленуми қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, Кемерово области меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг улкан планларини амалга оширмоқ учун тағин ҳам кўпроқ фидокорлик билан курашадилар, беш йиллик планни муваффақиятли бажармоқ учун, В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олмоқ учун социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдирадилар, деб партияни, Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

Рига

1 июль. (ТАСС). Бугун Ригада Латвия Республикаси партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Коммунистларнинг жаҳон анжуманида баён қилиб берилган КПССнинг равшан ва принципиал позициясини, кенгаш материалларни ва ҳужжатларини, КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил июнь пленуми қарорларини республика коммунистлари, бутун жамоатчилик зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

Музокараларда сўзга чиққанлар КПСС Марказий Комитетининг жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштиришга қаратилган сиёсий йўлини, амалий фаолиятини батамом ва тўла-тўкис қувватладилар.

(ТАСС).

ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

2 июлда Олмалиқ шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Рашидов «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар жаҳон коммунистик ҳаракатини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришда КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини қизғин қўллаб-қувватладилар ҳамда Кенгаш ҳужжатларини зўр мамнуният билан қабул этганликларини билдирдилар.

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини тўла қўллаб-қувватлади.

БЕКОБОД ШАҲРИ

Шаҳар партия ташкилоти активининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари ҳақида доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Актив Москва Кенгаши якунлари ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллади.

АНГРЕН ШАҲРИ

Ангрен шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзоси, республика Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилишда якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда КПСС Марказий Комитетининг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла ва батамом маъқулланади. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини қизғин қўллаб-қувватладилар.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

Янгийўл район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгаши якунлари тўла маъқулланди.

ТУЙТЕПА

Бу ерда Ўрта Чирчиқ район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши якунлари ҳақида доклад қилди.

Актив коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари ва Кенгашдаги КПСС делегациясининг фаолиятини тўла маъқуллади. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари қизғин қўллаб-қувватланди.

КИРОВ РАЙОНИ

2 июлда Киров район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари тўғрисида» доклад қилди. Актив Москва Кенгаши якунларини ва кенгашдаги КПСС делегациясининг фаолиятини қизғин маъқуллади. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари бир овоздан қўллаб-қувватланди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Кеча Октябрь район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари ҳақида доклад қилди. Актив йиғилиши Москва Кенгаши якунлари, КПСС Марказий Комитетининг жаҳон коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолиятини якдиллик билан маъқуллаган. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини тўла қўллаб-қувватладилар.

МИРИШКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Мирзашариф Собиров бошлиқ бригада аъзоларини шу кунларда экинларни парвариш қилишни намунали олиб бормоқдалар.

Улар бу йил мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бригада сабзавоткорлари халқимизнинг сабзавотга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, давлатга 42232 килограмм сабзавот сотдилар. Бригаданинг ғайратли қизларидан: А. Есинбоева, Ҳ. Еқубова ва бошқалар етилган ҳосилни териб олишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бригада деҳқонлари карамдан 3670 сўм ўрнига 9400 сўмлик фойда олдилар, ҳали далада ҳосил мўл. Бу коллективнинг Фозил Мирзараимов, Миробид Мирсаидов бошлиқ звеноларида ҳам иш қизғин. Тажрибали сувчилардан: Д. Дадабоев, М. Имомовлар экинларни қондириб суғормоқдалар.

М. АСАТОВА.

Янги Тошкент қурилишида барча совет халқи каби украинал ик бинокорлар ҳам ўзларининг салмоқли хиссасини қўшишди. Суратда: чапдан донецклик бир група бинокорлар Н. Хахлачева, Е. Настана, Н. Курушкин ва Е. Силиналарни кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — МАТБУОТИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ТЕМАСИ

Ҳарбий ватанпарварлик темасида ёзувчи журналистлар республика семинарига

БУГУН Тошкентда ҳарбий-ватанпарварлик темасида ёзувчи журналистларнинг республика ижодий семинари очилади. Семинар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда Ўзбекистон журналистлар Союзи томонидан чақирилмоқда. Семинарда Ўзбекистоннинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган газета, радио ва телевидение ходимлари тошкентлик ҳамкасблари билан ҳарбий-ватанпарварлик темасини қандай ёритиш масаласида ўртоқлашадилар. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини янада яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклигини маслаҳатлашиб оладилар.

Биз семинар катнашчиларига мурожаат қилиб, матбуотимизнинг бу муҳим темаси хусусидаги мулоҳазаларини сўрадик. Қуйида семинар қатнашчиларининг сўзлари билан танишасиз.

ВАТАНГА СОДИҚ ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯЛАЙЛИК

Коммунистик ва ишчи партияларининг Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган Халқаро Кенгаши катта тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеага айланди. Кенгаш давримизнинг энг муҳим масаласи — ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучлар ҳаракати оқилиги масаласини муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партиямиз Марказий Комитети Сиёсий бюросининг жаҳон коммунистик ҳаракатнинг жиддийлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла ва батамом маъқуллади. Пленум Кенгашда қабул қилинган ҳужжатларни маъқуллади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Халқаро Кенгашда сўзлаган нутқида ҳозирги халқаро вазиятга баҳо берар экан, тинчлигимизни таъминлаш учун мудофаа ишларига катта маблағлар сарфлашга мажбур бўлаётганлигимизни, мудофаа қудратимиз энг юксак даражада эканлигини гапириб берди. Бизнинг Қуролли Кучларимиз Ватанимиз чегараларини, қардош армиялар ҳамкорлигида социализм мамлакатлари ютуқларини қўриқлаб, тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг мустаҳкам посбони бўлиб турибди.

Мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган асосий масалалардан бири меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада яхшилаш, армия ва халқни ва айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий ва психологик жиҳатдан социалистик Ватани садоқат билан ҳимоя қилишга тайёрлашдан иборатдир.

Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳозирги шароитдаги аҳамиятини кўп сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, кейинги вақтларда империализмнинг агрессивлиги кескин кучайди. Бу ҳол халқаро Кенгаш ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топди. Империализм ва биринчи галда жаҳон реакциясининг асосий кучи бўлган АҚШ империализми томонидан бўлаётган уруш хавфига етарли баҳо бермаслик катта хато. Биз империализм очиши мумкин бўлган уруш эҳтимолини назардан қочирмаслигимиз керак.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, империалистик реакция қора кучлари сиёсати билан Хитой маъмурларининг авантюристик, антиленинча, Советларга қарши сиёсати қўшилиб кетмоқда. Маочилар тўдаси Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социализм мамлакатларига қарши империалистик фронт билан бирга иккинчи фронтни очди. Халқаро аҳволда юз берган бундай мураккаб шароитни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Иккинчидан, икки идеология — социалистик ва буржуа идеологияси ўртасидаги кураш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кескинлашиб кетди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши ғоявий қўпорувчиликни империалистлар давлат сиёсати даражасигача кўтардилар. Душман идеологиясига қарши муросасиз кураш, империализм найрангларини кескин фош қилиб ташлаш ҳозирги вақтда партия фаолиятида муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу ҳол матбуот, радио ва телевидение ходимлари олдига муҳим вазифалар қўяди.

Учинчидан, халқимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш зарурати шундан иборатки, кейинги йилларда ҳарбий ишда чинакам революция юз берди. Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ҳар бир жангчидан юксак техника тайёргарлиги, ҳар томонлама билим, юксак интизом ва уюшқоқликни талаб қилади. Умумий ҳарбий мажбуриятни амалга ошириш ёшларимиз олдига янги вазифалар қўймоқда.

Тўртинчидан, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ҳар томонлама кучайтириш ана шу билан характерланадики, эҳтимол тутилаётган урушда ракета-ядро қуроли ишлатилиши мумкин. Агар империалистлар учинчи жаҳон уруши очгудек бўлсалар, бу икки қарама-қарши ижтимоий системанинг бир-бири билан ҳал қилувчи тўқнашуви бўлади. Бу ҳол жангчилардангина эмас, балки бутун аҳолидан ғоявий-сиёсий, жанговар, жисмоний ва маънавий тайёргарликнинг юксак талаблар даражасида бўлишини талаб қилади.

Республикамизда чиқаётган газета ва журналлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газеталари бу соҳада самарали ишлар қилмоқдалар. Қатор газеталарда пайдо бўлган «Армия саҳифалари» материаллари Қуролли Кучларимизга, жангчиларимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат уйғотмоқда, армия ва халқнинг мустаҳкамланиб бораётган алоқаларини янада кучайтирмоқда. Бу тема «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Хорезмская правда», «Ленинское знамя», «Учқун» (Паманган области), «Шонли меҳнат» (Хўжаобод области), «Коммунизм нури» (Чимбой области) газеталари, «Ўзбекистон», «Мухбир» журналлари ходимларининг ҳамиша диққат марказида турибди. Округ қўшинларининг жанговар йўли ҳақидаги радиодан берилаётган мазмунли эшиттиришлар, «Совет жангчиси» тележурнали ҳам мақтовга сазовор.

Аммо республикамизда меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида қилинган ва ҳозир олиб борилаётган ишлар — бу ҳаёт тақозо қилаётган, муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларнинг бошланиши, холос. Бугун мазкур семинарда қилажак ишларимизни ўзаро маслаҳатлашиб олишимиз лозим.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси проблемаларини ёритиш юзасидан матбуот олдига қўйилаётган талаблар баъзи ташкилий ишларни амалга ошириши тақозо этмоқда. Округ сиёсий бошқармаси жамоатчилик асосида баъзи редакцияларда тузилган штатсиз бўлимлар, кенгашларни табриклайди. Барча редакциялар ана шу тажрибани қўллаб-қувватлашлари керак. Бу бўлим ва кенгашлар қоғозда тузилибгина қолмай, уларнинг мунтазам, самарали иш олиб боришига эришмоқ керак. Ҳарбий-ватанпарварлик пропаганда си масалалари редакцион коллегияларда, семинарларда, редакция летучкалари, партия мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб борилиши лозим. Маҳаллий газеталарнинг округда чиқадиган «Фрунзевец» газетаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, бу газеталар билан қўшма сонлар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Республикамиз матбуот ходимлари, ижодий интеллигенциямизнинг катта отряди ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида ўз куч-ғайратларини аямай, Ватанимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдириш мумкин.

Генерал-майор А. ДЕБАЛЮК,
Ҳарбий Совет аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи.

ФИКРЛАШИБ ОЛАМИЗ

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи биз журналистлар учун битмас-туганмас ўйлар, ғоялар манбаидир.

Биз халқимиз шуҳратини жаҳонга таратган оталаримиз, аналаримиз мисолида ўсиб бораётган авлодни тарбиялашимиз керак.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуни ёритишда яна бир муҳим томон бор. Бу колхозчилар, ишчилар, қурувчилар, ўқувчиларнинг ҳарбий техника билимларини эгаллашида, мотоцикл, автомашина ҳайдашни, радио алоқасини ўрганишида энг яхши корхоналар, колхоз, совхоз, муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари фаолиятини пропаганда қилиш керак. Қисқаси, чақириқ ёшидагилар ҳамда ўсмирлар ўртасида Совет Армияси safларида хизмат қилишга қандай тайёргарлик олиб борилаётганлиги, умумий-ҳарбий мажбурият ҳақидаги янги қонун қандай амалга оширилаётганлигини ҳикоя қилиб беришимиз керак. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Шу жиҳатдан бугун очиладиган семинар катта қизиқиш туғдирмоқда. Биз семинарда тажрибаларимизни алмашишимиз, бундан буён қилишимиз лозим бўлган асосий ишларни белгилаб олишимиз керак.

Шубҳасиз, семинар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини яхшилаш ишига ҳисса қўшади.

Б. ВАЛЛ,
«Комсомолец Узбекистана» газета редакцияси мудофаа-оммавий ва спорт ишлари бўлимининг мудири.

АРМИЯМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВИ

Янги китоблар

В. И. Ленин ва Коммунистик партия кенг халқ оммасининг социалистик давлат ҳарбий ишда фаол иштирок этиши мамлакат мудофаа қудратини оширади, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишнинг умумхалқ характерига эга эканлигини исботлайди, деб кўрсатган эдилар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мудофаа жамоат ташкилотлари тузилиб, бу кўрсатмалар амалда ҳаётга жорий этилди.

Бундай ташкилотларнинг вазифаси ҳарбий иш алифбосини оммага тушунтириш, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат эди. Армияга ёрдам берувчи кўнгилли жамиятларнинг ташкил топиш тарихи ва ҳозирги ДОСААФ комитетларининг олиб бораётган катта ишлари **А. Мамажонов**нинг «Армиянинг ишончли резерви» китобида ўз ифодасини топган.

Бу китобни «Ёш гвардия» нашриёти яқинда босмадан чиқарди.

Ўзбек ватанпарварларининг ибратли ишлари ҳақида ҳар қанча гапирса бўлади. Улуғ Ватан уруши йиллари Ўзбекистон Осоавиахим ташкилоти Совет Армиясига муносиб ўринбосарлар тайёрлаб берди. Ўша йиллари Осоавиахим тўгарак ва клубларида юзминглаб меҳнаткашлар пулемётчилар, мерганлар, танкни қирувчилар, автоматчилар, радистлар, учувчилар, парашютчилар, планерчилар, авиамеханиклар, мотористлар маҳоратини эгалладилар. Биргина авиация учун Ўзбекистонда бир неча дивизия ташкил қилиш мумкин бўлган мутахассис тайёрланди.

Осоавиахим ташкилотларида жанговар тайёргарлик кўрган радистка Роза Аҳмаджонова, разведкачи қиз Зебо Ганиева, мард ҳамширалар Раҳима Алимова, Мукаррам Саиджонова, алоқачилар Бочарова, Юсупова ва бошқалар Ватан уруши фронтларида мислсиз мардлик ва қаҳрамонлик намуналарни кўрсатдилар.

Урушдан кейинги йиллар Осоавиахим ўрнига тузилган Армия, Авиация ва Флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият — ДОСААФ меҳнаткашларни ўз ватани мудофаасига тайёрлаш соҳасида катта ишлар олиб бормоқда.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини намунали йўлга қўйган «Ташкенткабель», Чкалов номли завод, «Ташсельмаш», Чирчиқ электрохимия комбинати, 2-«Пскент» пахтачилик совхозидаги каби жамиятнинг бошланғич ташкилотлари фаолияти китобда кенг ёритилган. Республикадаги бошқа кўпгина досааф-чилар уларнинг ибратли ишларидан ўрганишлари мумкин.

Автор досаафчилар ўртасида спортнинг техника турлари бўйича оммавийлик ва маҳорат сари кураш олиб борилаётганлиги ҳақида алоҳида бобда тўхталган. Китоб ўқувчиларни Ўзбекистоннинг машҳур парашютчилари, автомоделчилари, мерганлари билан яқиндан таништиради. Китобда уларнинг ҳарбий спорт тайёргарлигини қандай олиб бораётганликлари ҳақида кўпгина фотосуратлар ҳам бор.

Кейинги кунларда ўртоқ А. Мамажоновнинг **«Қорақалпоқ ватанпарварлари»** деб номланган иккинчи китоби ҳам ўқувчиларга ҳадя қилинди.

С. МУСАЕВ.
Ўзбекистон журналистлар союзи ҳарбий-ватанпарварлик секциясининг аъзоси.

ШАРАФЛИ БУРЧ



Совет кишиларининг тинч, ижодий меҳнатини кўролмаётганлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Тинчлик душманлари жаҳоннинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида агрессия очиб, янги жаҳон урушини бошлашга интилаётган бир пайтда биз ҳамиша сергак туришимиз, ҳар қандай душманни ҳам қон қақшатишга тайёр бўлишимиз лозим. Бу жиҳатдан аҳолини, умуман ўсиб келаётган янги авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга берилаётган эътиборни ижобий баҳолаш жоиздир.

Газетамизда ҳар ойда бир марта «Жасорат» деб номланган саҳифа чиқиб турибди. Унга Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал майор К. А. Максимов раислик қиларди. Шу кунгача «Жасорат» ҳарбий-ватанпарварлик клуби қатнашчиларининг ўнтўққиз марта кенгаши бўлди.

«Жасорат» саҳифаси тезда кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Саҳифалар кенг активга таянган ҳолда тайёрланаётганлиги учун ҳам мазмунли ва ўқимишли бўлаяпти. «Оталар жасорати — ёшларга мерос», «Ҳеч ким унутилмаган, ҳеч нарса унутилмайди», «Солдат, хизматинг қалай?», «Туркистон жангчилари ҳузурида» каби рубрикалар остида ой сайин қизиқарли материаллар бериб борилмоқда. Бу материалларнинг барчаси бир мақсадга — кишиларни жанговар традициялар руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Редакция коллективи ҳарбий ватанпарварлик мавзуида берилаётган материалларни янада қизиқарли ва таъсирли бўлиши устида бош қотираяпти. Бундан буён авторлар доирасини революция ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳисобига кенгайтирамиз. Уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳамда оталар ишини давом эттираётган ёш туркистонлик жангчилар ҳаётидан кўплаб материаллар беришни ўйлаяпмиз. Айни пайтда Совет Армияси safида хизматга отланаётган навқирон йигитларнинг жанговар тайёргарлиги ҳақида, ДОСААФ тўгараклари-нинг машғулотлари тўғрисида ҳам газетхонларга мунтазам равишда хабарлар бериб борамиз.

Кишиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш биз журналистларнинг муҳим бурчимиздир. Бу вазифани бажаришда қўлимиздан келган ишни аямаймиз.

А. СОКИН,
«Правда Востока» газета редакцияси бўлим мудири, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

ҚАҲРАМОНЛАР ИЗИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлими ҳамда Ўзбекистон журналистлар Союзи ташаббуси билан чақирилган бу кенгаш республикамизда биринчи марта ўтказилмоқда. Кенгаш ҳарбий-ватанпарварлик мавзучи газета ва журнал саҳифаларида ҳамда радио-телевизион эшиттиришларда ёритилишини муҳокама қилар экан, бу ишнинг келажакда мазмунли ҳамда ибратли бўлишига шубҳа йўқ.

Ёшларни севикли Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш — ота-боболаримизнинг шонли традицияларини ўргатиш, ота-боболаримизга хос бўлган фазилатлар — коммунистик эътиқод, Ватанга муҳаббат ва душманларга нафрат руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Ўзбекистон ёзувчилари союзи қошида ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти комиссияси мунтазам ишлаб турипти. Комиссия бир мунча ишларни қилди ва қилмоқда. Ёзувчилардан Мумтоз Муҳамедов, М. Исмонлий, Назармат, Владимир Карпов, О. Сидельников, Назир Сафаров, Борис Пармузин, Зиннат Фатҳуллин, Наби Юсупов, журналистлардан Ҳамид Тожибоев, Самад Қодиров, Машъал Ҳакимов, Ҳамид Нурий, Мели Жўра, Рустам Раҳмонов, Исмонжон Тўхтасинов ва бошқа ўртоқлар ҳарбий-ватанпарварлик темасида асарлар, лавҳалар яратиш устида актив иш олиб бормоқдалар.

«Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номидаги ҳамда «Ёш гвардия» нашриётлари ва «Билим» жамияти ҳам ҳарбий-ватанпарварлик темасида китоблар нашр қилаётган бўлсалар ҳам бу китоблар ёшларимизнинг ҳарбий-ватанпарварлик адабиётига талабини қондиролмаётир. «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ёш ленинчи» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталари бу темани қизиқарли ва мунтазам равишда ёритиб бораётган бўлсалар, республикада чиқадиган бошқа область, шаҳар ва район газеталари фақат Совет Армияси ва Ғалаба кунларида эслайдилар. Айрим шаҳар ва район газеталаридан босилаётган материаллар юзаки ва шошма-шошарлик билан ёритилмоқда.

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматни ўтаётган жангчиларимиз ҳаёти, собиқ фронтчиларнинг меҳнат фронтида эришаётган ғалабалари, колхоз, совхоз, муассаса ва мактабларда физкультура ва спорт ишларини тараққий эттириш, гражданлар ва улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари билан учрашувлар каби масалалар газета ва журналларимиз, радио ва телевидение ходимларининг диққат марказида туриши лозим.

Энди ўз ижодий ишларим ҳақида бир оғиз сўз айтмоқчиман. Ўтган йили граждан уруши йилларининг қаҳрамони, Фарғонада босмачиларга қарши кураш солдатларидан бири, чекист Меливой Абдуллаевнинг жанговар ҳаётига бағишланган «Ревком раиси» номли асарим китобхонларга тақдим этилди.

Ҳозир Ғафур Ғулом номли нашриёт менинг «Ғалабага чорлаган мактуб» номли китобимни нашрдан чиқариш олдида турипти. Бу китобда Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек халқининг немис-фашист босқинчиларга қарши курашган ўз фарзандларига йўллаган мактублари ҳақида ҳикоя қилинади.

Мен ҳар қачонгидек бу йил ҳам кўп жойларда бўлдим, бўлажак китобим қаҳрамонларини излаб топиш менинг кундалик ҳаётимдир. Мен яна яқинда сафарда бўлиб, уруш йилларида партизанлик ҳаракатида иштирок этган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида анчагина материаллар тўпладим.

Бундан икки йил илгари «Брест лавҳалари» китобим чиққан эди. Ҳозир иш олиб бораётган асарим ўша китобнинг давоми бўлади. Яқинда яна ўша қаҳрамон қалъага боришга тайёрлик кўраяпман.

Адҳам РАҲМАТ.
Ёзувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Изчиллик — шиоримиз

Партия ва ҳукуматимиз ўзининг қуролини кучларини ҳар томонлама ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни Ватанга, социализм ишига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу ишда республикамизда чиқаётган газета, журналларда, радио ва телевидениеда диққатга сазовор ишлар қилинаяпти. «Правда Востока», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ленинский путь» (Самарқанд) ва бошқа газеталарни бирмабир варақласангиз, муттасил «Солдат саҳифалари», «Солдат мактублари» туркумида бериб борилаётган материалларга кўзингиз тушади.

Яқинда «Фрунзевец» ҳамда «Ёш Ленинчи» газеталари қўшма сон тайёрлашди. Шунисиқиқатга сазоворки, газеталар асосий эътиборни ёшлар тарбиясига, уларни пролетар интернационализми, Ленин ғояларига садоқат, социалистик ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратишган. Шунингдек, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг солдатлар ҳаётига бағишлаган сўнгги саҳифаси ҳам ранг-баранг материаллар билан чиққан.

Лекин барча газеталарда ҳам ватанпарварлик темаси намунали йўлга қўйилган деб бўлмайди. Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм область газеталари, радио ва телевидение эшиттиришларида бу муҳим ғарбиявий ишга етарли эътибор берилмайди. Уларда асосан ғалаба кунлари, муҳим жанговар саналар муносабати билан битта-иккита мақола ҳамда жангчилар ҳаётини акс эттирувчи фото суратлар бериш билан чекланишади, холос. Ваҳоланки, ҳарбий-ватанпарварлик темасини мунтазам ва изчил ёритиш лозим.

А. ГОНЧАРОВ,
«Фрунзевец» газетасининг комсомол турмуши бўлими бошлиғи.

Оталар жасорати — фарзандлар мероси



Улуғ Ватан уруши халқимиз ҳаётида, тақдирида жуда катта из қолдирган тарихий воқеадир. Унда совет кишиларининг ажойиб фазилатлари, метиндек мустаҳкам иродаси, ватанпарварлиги, интернационал дўстлик принципларига содиқлиги ҳар томонлама ёрқин намоён бўлди.

Ватан учун жангларда тенгсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган оталаримиз жасоратини матбуотда ёритиш ва шу йўл билан ҳозирги ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида халқига, Ватанимиз тупроғининг дахлсизлигини чуқур ҳис қилиш руҳида тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам республикамизнинг этахон газетаси «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида ҳам ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги материалларга анча кенг ўрин берилаяпти. Бизда «Оталар жасорати — фарзандлар мероси», «Жанговар фарзандларимиз ҳаётидан», «Сўнмас у кунлар шуҳрати», «Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари изидан», «Солдат мактублари» каби рубрикалар остида берилаётган лавҳа ва очерклар, мақола ва хабарлар шеър ва ҳикоялар ўқувчилар томонидан яхши кутиб олияпти ҳамда редакциямизга кўплаб хатлар келишига сабаб бўляпти.

Редакциямизда ҳарбий ватанпарварлик темасини ёритиш билан асосан Совет қурилиши бўлими шуғулланади. Бўлим атрофига Улуғ Ватан урушида қатнашган ҳамда ҳарбий ватанпарварлик темасида қалам тебратувчи бир қанча ижодкорлар тўпланган. Булар орасида Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Ҳамид Тожибоев ва бошқа ўртоқлар бор. Улар Ватан уруши фронтларида ажойиб жасорат намуналарини кўрсатган жангчиларимиз номи маълум ва номаълум ўзбек солдатларининг босиб ўтган шарафли йўли ҳақида илҳом билан ҳикоя қилиб бермоқдалар. Зулардан ташқари, бизга Ленинград шаҳридан А. Торчаков, Горький шаҳридан А. Чебураш-кин, Львовдан В. Штиренко, Минск шаҳридан П. Фролова ва бошқа ҳарбий темада ёзувчи мухбирлар мақолалар йўллаб туришади.

Албатта ҳарбий-ватанпарварлик темаси жуда ранг-баранг-дир. Бунда мақолалар ва хабарлар билангина чекланиб қолиш ярамайди. Мазкур мавзуда бадиий асарларни ҳам вақти-вақти билан бериб бориш зўр тарбиявий аҳамиятга эгадир. Шуни кўзда тутиб, биз яқинда ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Солдатлар», Назир Сафаровнинг «Инсон изи», шоир Мавлон Икромнинг «Номаълум солдат» каби ҳикоя, очерк ва шеърларини босиб чиқардик. Редакциямиз бундан кейин ҳам ҳозиргача тўпланган тажрибалар асосида ҳарбий-ватанпарварлик темасида янада кўпроқ материаллар бериб боришни мўлжаллаб турипти.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» газетаси Совет қурилиши бўлимининг мудири.

СОЛДАТ САҲИФАСИ № 41

Олмалиқ химия заводи қурилишида

Бу ерда химия гигантини бунёд этиш ишлари кундан-кунга қизиб бормоқда. Елкама-елка туриб ишлаётган бинокорлар ва монтажчилар корхонани йил охиригача фойдаланишга топириш юзасидан олинган мажбуриятни шараф билан ado этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (чапда) «Промтехмонтаж» бошқармасининг илғор ишчиларидан А. Мишин ва Г. Емельянов ўртоқлар. Ўнгда: ўртоқ Поярков раҳбарлик қилаётган илғор монтажчилар бригадаси аъзолари.

Ю. Содиқов фотолари.

ЯШНАИВЕР, ГЎЗАЛ ПОЙТАХТ

Тошкент марказий универмаги атрофида эски иморатлар жойлашган эди. Ҳозир бу ер жуда ўзгариб кетди. Мўъжазгина шаҳарча қад кўтарди. Тўққиз қаватли бинолар келиб тошкентликларга армуғон этилди. Мактаб, болалар боғчаси кичкинтойлар хизматида. Бир томонда доҳиймиз В. И. Ленин номи билан аталувчи хиёбон барпо этилмоқда. Ҳамкасбларимиз — 11-«Висотстрой» трести коллективи улкан ишни муваффақиятли ado этмоқда.

Биз қурилишни Чилонзордан бошлаб, ўнлаб турар жой биноларини фойдаланишга топширдик. Сўнгра «Марказ-7» микрорайонига ўтдик. Янги кўп каватли бинолар қурдик. Ўтган йили 60 минг квадрат метрга яқин турар жой фойдаланишга топширилди. 260 ўринли 2 та болалар боғчаси, 50 ўринли почта, янги қаҳвахона, иккита магазин ишга тушди.

Оқтепа массивидаги учта тўққиз каватли биноларни ва «Мебеллар дунёси» магазинини ҳам украинлар қуришди. Мутахассислар бу бинолларга юксак баҳо беришди. Мебель магазини эса Урта Осиёда ягонадир. Бу йил 2 Киев қурилиш поезди бунёдкорлари 2 минг 600 ўринли мактаб, 3-Киев қурилиш-монтаж поезди коллективи учта 9 қаватли бинони қўлдан чиқарадилар. Шу билан Украина қурувчилари ўз ваъдаларини бажардилар.

Янги Тошкентни бунёд этишда Киев ва Одесса, Донецк ва Кривойрог, Днепропетровск ва Харьков каби шаҳарларнинг бинокорлари фидокорона ишлашди. Хулласи, «Укрстрой» трести қурилиш-монтаж поездлари коллективлари социалистик мусобақани қизитиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфа тайёрладилар. Ҳар бир қурилиш-монтаж поезди ўз олдига қўйилган вазифаларни тўла бажарди.

Комплекс бригада бошлиғи В. Палий, Н. Титова, С. Тарасенко, И. Цибулко, Н. Дубовин сингари юзлаб бинокорлар тошкентликлар ҳурматига сазовор бўлишди.

Ўнбеш қардош республика янги Тошкентни бунёд этди. Бу ишда улар тошкентликларнинг муҳаббатини, ёрдамини ва дўстлигини сезиб турдилар. Биз барча тошкентликларга, қурилиш ташкилотларига чин кўнгилдан раҳмат айтамиз.

П. Н. ХАРЧЕНКО,
«Укрстрой» трести бошқарувчиси.

ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб яқинда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида республика бош травматолог ва ортопеди профессор Н. Шомитов бошчилигида ёш медик олимларнинг биринчи илмий кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда йигирмадан ортиқ доклад тингланди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий бўлим бошлиғи профессор Ж. Мақсудов очди. Травма ва травматизмнинг олдини олиш ва уни даволаш ҳақида институт аспиранти С. Иброҳимов, оёқ ва қўлай пойафзал ҳақида К. Қобиловлар гапирдилар.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳузуридаги ёш олимлар синган суякни тез ўстирувчи янги моддалар воситаси ва мўъжизанинг афзалликлари ҳақида тўхталиб, уни илмий асосда исботлаб бердилар. Ёш олимларнинг илмий тадқиқотларига медицина фанлари кандидати Қудрат Болтаев юксак баҳо берди.

Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Сирдарё, Тошкент областлари бош хирургларининг суяк жароҳати ва туғма суяк касалликларини даволаш тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Т. ҲАСАНОВ.

● ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

ҚИШЛОҚЛАРГА ШАҲАР ЧИРОЙИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришини тобора ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг маданий ва моддий фаровонлигини юксалтириб боришга қаратилган бир қатор йирик тадбирларни амалга оширди. Бу ғамхўрлик натижасида қишлоқ хўжалигимиз экономикаси юксалди, колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги ўсди. Қишлоқлар қиёфаси ўзгарянти.

Бугунги қишлоқ чиройи ва унинг таърифи ҳақида сўз юритар эканмиз, бундан бир неча йиллар илгари айтиладиган, яъни «палон қишлоқнинг шунча километр йўли ремонт қилинди», ёки «палон қишлоқда битта магазин қурилди» деган «хушхабарлар» эндиликда эскириб қолганлигининг шоҳиди бўламиз.

Чиндан ҳам шундай. Биз қишлоқларда шаҳарга монанд шундай посёлкалар барпо қилишимиз керакки, бўлажак посёлкаларда ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчисининг онласи алоҳида қулай квартираларга эга бўлсин. Шу билан бирга янги типда қурилган посёлкаларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, мактаблар, болалар боғчалари, яслилар, савдо ва медицина муассасалари доимо ишлаб туриши талаб қилинади.

Бу эса биз, қишлоқ қурувчилари зиммасига шаҳарга монанд посёлкалар қуриш ишини янада жадаллаштириб юборишдек юксак ва масъулиятли вазифани юклайди.

Область колхозлараро қурилиш ходимлари кейинги уч йил давомида қишлоқларимиз чиройига-чирой қўшиш, кўркам ва обод қилиш йўлида кураш-ажойиб натижаларни қўлга киритишди. Ўтган ана шу муддат давомида область колхозларида 50 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди, 15608 ўринли мактаб, 1040 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 2350 ўринли клублар ва бир қатор маданий маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 17798 бош қора мол боқиладиган бинолар, 5 минг ўринли товуқхона ҳамда 23670 тонна минерал ўғитлар, 8400 тонна дон, картошка ва сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхона қуриб берилди. Кўпгина трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ремонт қилинадиган устаханалар ишга туширилди.

Юқорида санаб ўтилган бу ютуқлар жойларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш намунали йўлга қўйилганлиги, ҳар бир объектни қуриш планлари равишда олиб борилганлиги уларнинг ўз муддатларида тинланиши ва ишга туширилиш устидан қаттиқ контрол олиб борилганлиги натижасидагина қўлга киритилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда жойлардаги қурилиш трестлари моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишлари ҳам биринчи яхшиланди. Мавжуд қурилиш машиналари ва механизмлардан унумли фойдаланилди.

Бинокорларнинг «иш устасидан қўрқар» деган нақли бор. Дарвоқе, бинокор ўз касбини яхши, пухта эгаллаган устаси бўлса, иш қанчалик катта ва оғир бўлмасин, ўз устасига оғир тушмайди. Биз ана шунга амал қилиб, қурувчи бинокорларимизнинг малакасини оширишга ҳар доим эътибор билан қараймиз.

Область қишлоқларида ҳозир 1126 та бинокорни ўз сафига жалб қилган 93 та комплекс бригада ишлаб турибди.

Область колхозлараро қурилиш трестимиз қошида эса янги мутахассис кадрлар етиштириб чиқарадиган, инженер ва техник ходимларимизнинг малакасини оширадиган ўқув мактабимиз бор. Фақат ўтган йилнинг ўзида шу мактабмизни 217 киши битириб, қурилишга йўлланма олди. 302 киши малакасини ошириди.

Лекин, қишлоқ қурилиш суръатлари ва ҳозирги қилинган ишлар КПСС XXIII съезди қарорларида кўрсатилган талаблар даражасидан ҳали ҳам орқада қолмоқда. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, қишлоқ қурилишининг ҳозирги аҳволи меҳнаткашлар талаблари даражасида йўлга қўйилган эмас.

Кўпгина қурилиш ташкилотлари мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳали унумли фойдаланмаётирлар. Натижада жойларда бошлаб қўйилган бино ёки объектлар қурилиши битказилмай, йиллаб қолиб кетмоқда. Бу маълум вақтлар ўтиши билан ҳам бинокорларга, ҳам қурилишни буюрган ташкилотларга жуда қимматга тушиб кетмоқда. Масалан, Янгийўл колхозлараро қурилиш бошқармаси Ҳамроқул Турсуч қулов номли колхозидаги ҳаммом қурилишини уч йилдан буён тўзиб келмоқда. Бу объектнинг чўзилиб кетишида Эркин посёлкасидаги «Узсантехгазмонтаж» ходимлари ҳам айбдор. Чунки улар, ўзлари бажаришлари керак бўлган ишни кўп вақтдан буён ғалга солиб келишмоқда.

Қишлоқларда қурилиш ишларининг чўзиб юборилишида «Узсельэлектрострой» трести монтажчиларининг айби катта бўлмоқда. Улар монтажлаш ишларини ўз вақтида бажармаш, бу соҳадаги белгиланган планни барбод беришмоқда. Масалан, улар ўтган йили 220 минг сўмлик ўрнига фақат 146 минг сўмлик монтажлаш ишларини бажаришди. Шу йилнинг биринчи квартали учун белгиланган планни 6.5 процент қилиб бажаришди. Бу эса уй-жой ва бошқа қурилиш объектларини йиллаб фойдаланишга топширилмай ётишига асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Область қурилиш трестининг келгуси йил режалари янада катта. 1970 йилда қишлоқ қурувчилари 15300 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришлари кўзда тутилади. Ёки 1965 йилга нисбатан қишлоқларимизда қурилиш ишлари икки марта баҳо кўпайтирилади.

Зиммамизда турган ана шу юксак ва масъулиятли вазифани бажариш учун аввало колхозлараро қурилиш бошқармаларининг ишлаб чиқариш қувватларини тиримай ошириб бориш, шу билан бирга қурувчилар сафини малакали кадрлар билан тўлдириб бориш талаб қилинади. Бунинг учун аввало Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўтган йил февраль ойидаги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, қурилиш ташкилотларини зарур бўлган машина ва механизмлар билан тўла таъминлашимиз лозим. Областимиздаги колхозлар эса қишлоқ ободончилиги йўлида хизмат қилаётган колхозлараро қурилиш ташкилотларига доимий ишлаш учун қўлидан иш келадиган мутахассис бинокорларни юборишлари керак.

В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўлган кунни муносиб нишонлаш учун қурувчи коллективларимиз ҳам қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг мақсади областимиз қишлоқларида шаҳарга монанд посёлкалар қуриш, бугунги қишлоқ ҳуснига-ҳусн қўшиш колхозчиларнинг ҳар томонлама маданий ва мукаммал уй-жойлар билан таъминлашдан иборат.

С. СААКОВ,
Тошкент область колхозлараро қурилиш трестининг бошқарувчиси.

Тошкентдаги ипакчилик фаб рикаси колдективи бу йил пландагидан ташқари 30 минг метр креп ипак йигириш ва бир тонна хомаш қизитмоқда. Шу кунларда ҳамма да туриб самарали ишлашмоқда: Тошкентдаги ипакчилик фаб рикаси колдективи бу йил пландагидан ташқари 30 минг метр креп дешин тайёрлаш учун етадиган ёни тежаб қолиш учун мусобақани ишчилар ленинча меҳнат вахтасини доим ортиги билан ado этмоқда. Суратда: корхонанинг илғор ишчиларидан Зеби Тешабоева. У норма

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

«Илғор» маҳалланинг қолоқ алоқачилари

Газетамизнинг 31 май сонида редакцияга келган хатлардан бири юқоридаги сарлавҳа билан босилган эди. Унда Октябрь районидаги 49-алоқа бўлимининг айрим ходимлари обуначиларга қоникарли хизмат кўрсатмаётганликлари танқид қилинди.

Октябрь район алоқа узелининг бош инженери Б. Рахмонбердиевнинг редакцияга йўллаган жавобида айтилишича, мақола алоқа бўлими ходимлари ўртасида муҳокама қилинган ва газета танқиди тўғри, деб топилган. 49-алоқа бўлими почтальонлари обуначиларнинг газета ва журналларини, хат ва хабарларини ўз вақтида етказиб беришга қатъий сўз беришган.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ремточмех» комбинатининг баъзи устаханалари аҳолига кўнгилдагидек маиший хизмат кўрсатмаётганлиги, буюмлар ремонти вақтида бажарилиб берилмаслиги, оқибатда буюм эгалари оворагарсарсон бўлаётганликлари газетамизнинг шу йил 8 май сонида танқид қилинган эди.

Мазкур мақолага Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бош инженери ўртоқ С. Султоновнинг редакцияга йўллаган жавобида айтилишича, мақола бошқарма Советида муҳокама қилиниб, танқид асосан тўғри деб топилган. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараб келган 40-пункт устаси Х. Хасанов вазифасидан бўшатилган. Комбинат инженери Л. А. Белоусов эса огоҳлантирилган.

Корхона ишидаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари кўрилган.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СУВАЙШ КАНАЛИДА ОТИШМА

ҚОҲИРА, 1 июль. (ТАСС). Сувайш каналида жанглар тўхтатилган бутун линия бўйлаб бутун шиддатли тўп отишмаси бўлиб ўтди. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг айтишига қараганда, бу отишма каналнинг шимолий секторида ал-Кантара, ал-Фирдан ва Деверсуал қишлоқлари районида ярим кечада бошланиб кетган, сўнгра эса Сувайш, порт Тавфиқ ва аш-Шатт районидаги каналнинг жанубий секторига ҳам ёйилган. Отишма маҳаллий вақт билан соат 13 да тўхтаган. Мана шу тўп отишмаси вақтида Миср тўпчилари душманнинг ўт очиб турган бир қанча позицияларини емириб ташлаганлар.

Яна шу куни эрталаб исроилликлар Сувайш канали соҳилини текшириб кўришга урindилар. Бироқ мисрликлар Сувайш каналининг жанубидаги районда Сувайш кўрфази соҳилига қўнилашиб келаётган иккита душман катерини тўпга тутиб, сувга ботириб юбордилар.

ЗАНЖИБАР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДЕКРЕТИ

ЗАНЖИБАР, 1 июль. (ТАСС). Занжибар ҳукумати барча чет эл пароход компанияларининг Занжибар ва Пемба ороллaридаги фаолиятини ўз контроллигига олди. Занжибар президенти Абайд Карумининг бу ерда эълон қилинган декретида шу гап айтилган. Ана шу компаниялар ўз контораларини ва ҳужжатларини Занжибар давлат савдо корпорациясига топширди.

ГУСТАВ ХЕЙНЕМАН ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИГА ЎТИРДИ

БОНН, 1 июль. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг янги президенти Густав Хейнеман Бундестаг билан бундесратнинг Бугунги қўшма мажлисида қасамёд қилди. 1959 йилдан бери бу лавозимни Генрих Любке ижро этиб келар эди.

Собиқ юстиция министри Г. Хейнеман 5 март куни социал—демократик ва эркин—демократик партияларнинг овози билан президентлик лавозимига сайланди. Германия Федератив Республикасида социал—демократик партиянинг намояндаси биринчи марта президент бўлди.

Ўтмишда христиан — демократик союзнинг аъзоси ва Аденауэр ҳукуматида министр бўлган Густав Хейнеман 1952 йилда Аденауэрнинг Ғарбий Германияни қайтадан милитарлаштириш ва қуроллантириш сиёсатига қарши норозилик билдириб, ҳукумат аъзолигидан истеъфо берган.

ИОРДАНИЯ ҲУКУМАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

АММОН, 1 июль. (ТАСС). Иордания короли ҳукуматни ва мамлакатнинг олий ҳарбий раҳбарлигини қисмай ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аммон радиоси эшиттирган расмий ахборотда, айтилишича, Иордания армияси штабининг собиқ бошлиғи генерал—лейтенант Амир Ҳаммаш мудофаа министри қилиб тайинланди. Хавфсизлик кучларининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Расул Алгазий ички ишлар министри бўлиб қолган.

Ҳукуматда ва армия раҳбарлигида бошқа бир қанча ўзгаришлар ҳам қилинган.

Жумладан, генерал — лейтенант Шариф Бин Жамил Носир мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони қилиб тайинланган. Илгари бу лавозимни Иордания короли Ҳусайннинг ўзи эгаллаб келар эди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Немис ҳарбий денгизчилари ҳаваскорлик киностудиясида қатнашиб бир қатор ҳужжатли фильмлар яратмоқдалар. Улар яқинда социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлигини ифодалаб берувчи янги кинофильм ишлашди. Суратда: фильмни кўриш пайти.

АДН—ТАСС фотоси.

РУАНДА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

БУЖУМБУРА, 1 июль. (ТАСС). Руанда республикаси ўз мустақиллигининг 7 йиллигини нишонламоқда. Республика шу йиллар мобайнида катта муваффақиятларга эришди, деҳқонлар кооперативга бирлашмоқда, кўпчилик бўлиб бригаликда янги йўллар қурмоқдалар.

Маорифни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, институтлар барпо этилиб, мактаблар қурилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳар йили 17 минг бола бошланғич мактабни тамомлаб чиқмоқда. Мустамлакачилар замонида бу ҳақда ўйлаб бўлмас ҳам эди.

Руандада, жумладан, социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун яхши имкониятлар вужудга келди. Руандага Чехословакия Социалистик Республикасидан қанд, Польшадан газлама, ГДРдан ёғоч материаллари келтирила бошланди. Африкадаги шу мамлакатда совет товарлари аҳолига ғоят манзур бўлмоқда.

Руанда халқаро миқёсда БМТнинг ва Африка Бирлиги Ташкилотининг актив аъзоси сифатида, мустамлакачилар асоратидаги халқларнинг курашини қўллаб-қувватламоқда. Африка қитъасининг жанубидаги ирқчилик режимига қарши курашмоқда.

АЛЯСКАДА ЕНҒИНЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 1 июль. (ТАСС). Аляскадаги 283 минг гектар ўрмон ва тундра ловуллаб ёниб турибди. Бу ерда истиқомат қилувчи кексалар шу ёзда бошланган сингари ёғинларни бундан аввал кўришмаган. Фэрбенкс шаҳридан 250 километр ғарбдаги Эврика қишлоғи ёнида айниқса қучли ёғин бўлмоқда.

Кейинги ой мобайнида Аляскада атиги бир марта ёмғир шивалаб ўтди. Об-ҳавонинг бундай қуруқ келиши табиий офат билан курашиш тағин ҳам қийинлаштирмоқда.

Пойтахтимиз меҳмонлари

НОВОСИБИРСК ОПЕРЕТТАСИ ТОШКЕНТДА

Шу кунларда республикамиз пойтахти кўчалари, хиёбонларида Новосибирск оперетта театри афишаларини кўриш мумкин. Тошкентликлар бу истеъдодли коллектив билан иккинчи бор учрашмоқдалар. Улар бундан ўн йил муқаддам бу ерга гастролга келишган эди. Ушанда опера театри базасида энгигина оперетта театри ташкил топган бўлиб, янги театр коллективи катта ижодий йўлга энгигина чиқиб олганди.

Ўтган ўн йил мобайнида сибирлик санъаткорлар камолотга эришдилар. Бу театр спектакллари ҳақиқатан афишалардан ҳам яққол кўринмоқда. Ҳозир унинг репертуарида 30 га яқин спектакль бор. Совет оперетталари етакчи ўрин эгаллайди. Маҳаллий авторларнинг асарлари ҳам театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Театр ҳали ёш, бироқ унинг коллективи ижодий куч-ғайратга тўлиб-тошган. Шуни айтиш кифоя, театр солистларининг кўпчилиги консерваториялар ва театр санъати олий ўқув юртларини битириб чиққан.

Театрнинг етакчи солисти Юрий Тарасевич Новосибирск консерваториясининг СССР Халқ артисти Арканов классида таҳсил кўрган. Ёш актернинг хуш овози, драматик қобилияти «Баядера», «Мистер Икс», «Циган Барон», «Сильва», «Вальс пири» сингари спектакларда тўла қонли образлар яратишга имкон берганки, уни Тошкент томошабинлари севиб қолдилар. Шунингдек, пойтахтимизнинг талабчан томошабинлари РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. Воронцов ва артист Т. Романованн, ёш актерлардан Т. Акулич, С. Савич ва бошқаларни ҳам қизғин кутиб олдилар.

Новосибирск оперетта театрининг ўз драматурги ҳам бор. У ҳам бўлса труппа актери Иван Ромашкодир. Театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Баҳор шабадалари», «Денгиз бўйида» ва «Қизил рябина» пьесаларини И. Ромашко ёзган. Айниқса «Қизил рябина» оперетласи томошабинларга жуда ёқиб қолди. Спектаклни театрнинг бош режиссёри, А. Кордунер постановка қилган.

Тошкентликлар бу ердан ташқари бир қатор классик оперетталар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар. Улар — Ф. Регаринг «Қувноқ бева», И. Кальманнинг «Моймартр бинафшаси», И. Штраусснинг «Кўршапалак» асарлари ва бошқа оперетталардир.

Сибирлик санъаткорларнинг гастроллари давом этмоқда.

Т. ХИДИРОВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

Қуёш тиккага келиб, туш вақти бўлиб қолган. Абдураҳим ака Қаюмов охирги хонанинг ремонтини тугатди-да, тушликка чиқиш учун кейинги хонада ишлаётган Собирхўжа акага юзланди:

— Туш вақти ҳам бўлиб қолди, энди тугатсак ҳам бўларди?

— Озгина қолди, охирги хонанинг полини бўяяпман, — дея ишини давом эттирди С. Ортиқов.

Оржоникидзе районидаги Жданов номли мактабда янги ўқув йилига тайёргарлик бу йил ҳам ҳар галдагидек барвақт бошланди. Шу кунларда парта, эшик ва поллар бўялиб, 14 та хона янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Ремонтни ўз вақтида тугатишда ўқитувчилардан С. Ортиқов, Т. Соипов, Т. Тўхтаев, Х. Тожибоев, А. Қаюмов ва С. Одиловлар муносиб ҳисса қўшдилар.

М. АСАТОВА.

Шу кунларда монголиялик санъаткорлар қатор концертлар қўйиб ўзбек томошабинларини хушнуд этяптилар. Суратда: ашула ва рақс ансамблининг бир группа қизлари миллий рақс ижро этмоқдалар.

И. Глауберзон ва В.Сироткин фотоси.

Кеча Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида новосибирсклик санъаткорлар ўз гастролларини бошладилар. Улар тошкентлик санъат мухлислари учун «Вальс пири» оперетгасини намойиш этдилар. Суратда: шу оперетгадан саҳналар.

А. Абалян фотолари.

ШУНЧАКИ ТАНИШ ҚИЗ

Ф Е Л Ь Е Т О Н

Пенсияга чиққан инженер Фёдор Артурович Л ўзига ўхшаш шериклари билан шахматда беллашиш учун оқшомлари маҳалла хиёбонига бориб туради. Бундан аввалги шанба куни у хиёбон чемпиони Вася тоға билан ўйнади. Дастлаб устунлик инженернинг тарафида бўлди, лекин салдан кейин у ҳимоясиз турган асп олдидаги пиёдани оламан деб, ўзи тузоққа илиниб қолди. Гарчанд чемпионга ютқазиб қўйишнинг сира айбситадиган ери бўлмаса ҳам, Фёдор Артурович уйига таъби тирриқ бўлиб қайтди ва уч киши: жуда узун соқол қўйиб юборган икки йигит билан жуда ҳам калта юбка кийган бир қиз ўзининг кетидан изма-из келаётганини ҳадеганда пайқамай қолди.

— Отахон, сизни безовта қилсак бўладими? — деди серсоқол йигитча соқолини қирдирган чолга қараб: — Мана бу Жюза исмли қиз сизнинг қаҳон ўлишингизни биламан деб, ниҳоятда эси кетаяпти.

Шу сўзлар айтилаётганида қиз енгини оғзига тутиб ҳиринглаб қўйди. Ёш йигитнинг саволи унга жуда нашъа қилиб кетган эди.

— Шу гапни айтгани уялмадингизми! — деб фигони кўкка чиқди Фёдор Артуровичнинг.

— Ия, ҳали бизни қоралайман ҳам денг, — деди иккинчи такасалтанг тилини чўкуб қилиб. — Ҳойнаҳой, биздек пайтингизда фалон қурилишга ишт ташиб берганингизни ҳам вайсаб қоларсиз.

Қиз олдингидан ҳам қаттиқроқ хо-холаб юборди. Серсоқоллар уни кўриб, от мисоли кишнашди.

«Чоғимда, комедияга билет олиш учун ана шу йигитчаларнинг ҳамёнида пули бўлмаса керак, — деб ёзади редакцияга Фёдор Артурович. — Шунинг учун улар қизни кўчама-кўча олиб юриб, унинг кўнглини ана шу таҳлитда овлашга қарор беришган. Тантиқ йигитларнинг менинг шаънимга қилган «аския»ларига мен-ку парво қилмайман-а. Менинг кўнглим бошқа нарсадан нотинч: шундай одамлар қаердан пайдо бўлади, улар қанақа тарбия кўрган-у, нимасига ишонади ва уларнинг оқибати нима бўлади?»

...Тарбияга сўз бермаётган ўсмирлар, одоб-ахлоқи бузилган ёшлар тўғрисида матбуотимиз озмунча ёзаётгани йўқ. Журналистлар, социологлар, ёзувчилар шундай ёшларда ярамас қилиқлар қаёқдан пайдо бўлаётганини, улардаги зарарли одатларнинг манбалари қаердалигини суриштириб, тагига етишга уринмоқдалар. Журналистлар, социологлар ва ёзувчилар оила билан мактабнинг, комсомол ташкилоти билан кўчанинг, мазмунли китоб билан бемаъни ғарб киносининг болаларга ўтказаётган таъсирини ўрганаяптилар. Лекин бир нарса тўғрисида бизда деярли ҳеч нима ёзилмаяпти ва айтилмаяпти. У ҳам бўлса — қиз боланинг ўғил болага таъсири ҳамда ёш йигитнинг хулқ-одобини яхшилашда қиз бола қандай роль ўйнайди, деган масаладир.

Дарвоқе, қизларимизнинг кўпчилиги яхши қизлар эканлиги ва улар билан дўст бўлиш ўғил болаларга самарали таъсир кўрсатаётганлиги махсус тадқиқотларсиз ҳам маълум. Шундай дўстлик туфайли ўғил болалар хулқини тобора яхшилаб, сипо бўлиб боради, ўзига нисбатан борган сайин талабчан бўлади, ўзининг хатти-ҳаракатларига қаттиқ-қўллиқ билан баҳо беради. Аммо биз ҳикоя қилиб берган воқеада эса қиз боланинг олийжаноб ролини заррача ҳам кўрмаймиз, албатта. Биз бу ерда тамоман қарама-қарши манзарани кўрамиз. Ахир ўша соқол қўйган олифталар тор кўчада ўзлари билан қиз бола турганлиги учунгина, ўзларининг бемаза қилиқлари унга хуш ёққанлиги учунгина ана шундай ножўя қилиқлар қилдилар. Ҳойнаҳой, бошқа қиз бирга бўлганида, улар шундай одобсизлик қилишга журъат эта олмас эдилар. Бошқа қиз уларнинг бетига тарсаки билан туширib, қайтиб улар билан юз кўришмайдиган бўлиб кетарди...

Жюза лақабли қизни топгим, у билан гаплашгим, ўзининг хушторлари ҳақида қандай фикрда эканлигини билгим. Стекольний кўчасида қилган ўша разилона ва қабиҳона номаъқулчиликлари унинг кўзига нима учун ёқимли ва чиройли бўлиб кўринганини сўрагим жуда-жуда келди.

Сурункасига уч оқшом Фёдор Артуровичникига бордим. Жюзани ё бўлмаса унинг ошиқларини учратиб қолиш илинжида Фёдор Артурович иккаламиз теваракатрофдаги жойларни роса айландик. Аммо биз уларни учрата олмадик.

Мен безорилик қилаётган йигитнинг ёнгинасида турib, унинг танобини тортib қўйишни, изза қилишни, унинг таъзирини беришни ҳаёлига ҳам келтирмаган бошқа қизларни учратдим.

Қишлоқнинг катта клубида рақс кечаси бошланаяпти. Ҳаваскор музыкачилар саҳнадан ўз жойларини олишган ҳам эдики, шу пайт йўлакда гала-говур кўтарилди. Маълум бўлишича, «Қалпоқча» лақабли Борька, «Хедер» лақабли Васька, «Самовар» лақабли Володька деган уч бадмаст йигит кириб келган экан. Безорилар самогон деб аталувчи хонаки ароқдан ярим шишадан жиғилдонларига ютиб олганликлари учун тиллари калимага қовушмас эди. Вақтинча тилдан қолган «Қалпоқча» ҳисобчи қиз Наташанинг олдига келади. «Қалпоқча» қизнинг бурнини чимчилаб, унинг қўлидан силтаб тортади. Наташа исмли қиз вальсга тушиш учун ибтидоий усул билан қилинган бу таклифга нима учундир дарров кўна қолади. «Қалпоқча» оёғи билан кўз кўрмаган қилиқларни қилар экан, айни маҳалда яна тўрт ишни қилади: чекади, тупуради, бутун залга қараб хириллайди ва қаршисидан рақс тушиб келаётган йигит-қизларнинг оёғидан чалади.

Стекольний кўчасидаги Жюзадан Наташа исмли қизнинг фарқи шуки, ўз хушторининг қилиқлари унга унчалик ёқмайди. Шундай бўлса ҳам у ҳеч қандай норозилик билдирмасдан вальсга охиригача тушади. «Самовар» худди бояги йўсинда уни краковяк рақсига тортади. Буни кўриб рашки қўзғаган «Қалпоқча» Тамара исмли қизга ёпишиб, уни даврага олиб тушади. Энди «Қалпоқча»нинг рақс билан иши йўқ. У пайт пойлаб туриб «Самовар»ни тепади. «Самовар» ҳам индамай қараб турмайди-да, худди шу йўсинда иш тутади. Икки томондан уруш бошланиб, бора-бора ялпи уркалтакка айланиб кетади. Музикачилар чалаётган карнай-сурнайларини тўхтатадилар. Қизлар додлаб уй-уйларига қочадилар. Клуб мудири уришаётганлар бир-бирини тополмай қолсин, деган ниятда чироқни ўчиради. Шарақлаб ойна синади, стуллар майда-майда бўлади...

Эртасига бундан буён нима қилиш кераклигини маданият ходимлари билан муҳокама этиш учун клубга район марказидан вакил келади. Ё рақс кечаларини бутунлай ўтказмайдиган бўлайлик ё бўлмаса рақс бўлаётган маҳалда бутун асбоб-анжоми ва хуштак-пуштаги билан келиб туришни старшина Степаничдан илтимос қилайлик, деган масала ўртага қўйилади.

Ваҳоланки, милиционерсиз ҳам иш битирса бўлади. Нақотки, учта тўполончининг думини тугиб, клубга йўламайдигай қилиб қўйиш залда ҳозир бўлган юзлаб одобли йигитлар, комсомол аъзоларининг қўлидан келмаса? Нақотки, улар ана шу тўполончиларни эртасига бир жойга ўтқазиб, ёш йигит одобли, назокатли бўлиши кераклигини, доим соч-соқолини олдириб, айниқса қизларнинг орасига кирганда уст-бошига ҳам тузукроқ қараши зарурлигини тушунтириб қўйишга ярамасалар? Наташа балан Тамарани ҳам ўтқазиб қўйиб, бундан буён бирон маст йигит рақс майдончасига оралаб қолгудек бўлса, у билан сира рақсга тушиб юрманглар, дейилса ҳам ёмон бўлмас эди. Чунки маст одам билан рақсга тушиш мутлақо рисолага сиғмайди.

Лекин бу ишларнинг бирортаси қилинмапти. Шу боисдан, бизга ёзишларича, ҳозир рақслар дирижёр билан милициялернинг қўшма раҳбарлиги остида ўтаётган эмиш. Стулларни тузатишибди, синган ойналарнинг ўрнига янгисини қўйишибди. Турса — яна бир уркалтак содир бўлгуча турадида...

Дарвоқе, безориликнинг зарари ҳамма вақт ҳам чил-чил бўлган ойна-ю, синган стул билан чекланиб қолаяпти деб бўлмайди.

Катя исмли қизникида кечки ўтириш бошланади. Бу ўтиришда уй бекасидан ташқари яна Вика исмли қиз ва Валера, Владик ҳамда Витёк деган уч йигит бор. Кечаси соат ўн иккига борганда улфатлар қарашса, арақ-у, вино-ю, пивонинг бори тамом ичиб бўлапибди.

— Биз яна топиб келамиз, — деб чиранади Валера. — Аэродромдаги ресторан кеча-кундуз тўхтамасдан ишлайди.

— У ерга нимада чиқасизлар?

— Анави тор кўчада нима кўп — енгил машина, — деб тушунтиради Витёк — Лип этиб бориб келамиз-да, яна ўз жойига қўямиз. Эгаси билиб ўтирибдими....

Валера, Владик ва Витёк кўчага чиқишади, Катя исмли қиз билан Вика исмли қиз эса йигитлар машинанинг тутқичини бузиб, ичига кириб олишгани ва моторни юргизиб юборишганини болохонадан томоша қилиб туришади....

— Яхшиси коньяк олиб кела қолинглар, — деб маслаҳат берди Катя.

— Апельсин ҳам эсдан чиқмасин, — деб йигитларнинг кетидан бақиради Вика.

Нафасингизни қайтариб ўтирмай, ўша куни қизлар конъякка ҳам, апельсинга ҳам етиша олмаганликларини айтиб қўл қолайлик. Эрталаб уларни касалхонага чақиришди. Маст-аластлик билан тез ҳайдаб борилаётган машина йўл ёқасида бир одамни урib, ўзи зовурга аганабди. Валера, Владик билан Витёк иккита сингган бўйин, тўртта чиққан оёқ ва битта мажақланган умуртқани учловлон бўлиб олишибди.

— Нима учун йигитларнинг баровга қарашли машинани ҳайдаб кетишига рухсат бердингиз?

— Бунинг учун бизнинг ҳеч қанақа рухсат беришимизга ҳожат йўқ, — дейишади бир овоздан қизлар. — Улар бизнинг қайлиқларимиз эмас. Офтобда қатиқ ялашган танишларимиз, холос.

Аммо офтобда қатиқ ялашган танишлар билан кечаси соат ўн иккиларгача биргалашиб ароқхўрлик қилмайдилар. Муносабатларни чуқурроқ таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Майли, офтобда қатиқ ялашган ва боринги тасодифий танишлар бўлса бўлар. Лекин йигитларнинг нима қилмоқчи бўлганидан қизларнинг тамоман хабари бор эди-ку. Ҳатто тасодифий танишларга ҳам: «бировнинг машинасига ўтириб бўлмайди. Бундай қилиш ўғирлик!» — дейиш лозим эди. Улар эса: «Майли, ўтраверинглар!» дейишган. Улар йигитларни тўхтатиб: «Ахир жуда ҳам мастсиз, йўлни кўролмайсиз. рулни ушлашга ярамайсиз», дейишлари керак эди. Қизлар эса хушнудлик билан қўл силтаб: «Майли, бир шамоллаб келасиз-лар!» дейишган.

Расмий жиҳатдан олганда қизларни жиноятга шерик деб бўлмайди, аслида эса ўзларнинг гуноҳи Валера, Владик билан Витёкнинг гуноҳидан асло кам эмас....

Яқиндагина биз энди ўн тўққиз баҳорни кўрган бир йигитчанинг шахсий ҳаётига аралашишга мажбур бўлдик. Бир йил муқаддам у намунали студент экан, лекин бора-бора ўқиши ёмонлашиб кетаверибди. Маълум бўлишича, бунда университетда сотувчи бўлиб ишловчи Галя исмли қиз каттагина роль ўйнапти. Студент у билан аллақайси бир ўтиришда танишган экан, эртасига яна учрашишиб, кафега боришибди. Студент бир пиёладан кофе буюрса, қиз асл йигит доим кофега коньяк қўшиб олади, деб гап қотибди. Гарчи йигитнинг ичкиси келмай турган бўлса ҳам у афициантга аввал икки марта юз граммдан, кейин яна бир марта икки юз грамм коньяк келтиришни буюрибди.

Кунлардан бир кун қиз ўз танишига телефон қоқиб, ёзлик боққа борib, чет элдан келган бозори чаққон хонаданинг ашуласини эшитгим келаяпти, дебди.

— Бора олмайман, — деб хўрсинибди йигит. — эртага микробиологиядан зачетим бор.

— Асл йигитнинг йўриғини тутсанг-чи, — дебди Галя. — Асл йигит ҳеч қачон маъшуқасининг гапини иккита қилмайди...

Йигит яна бир карра хўрсиниб-да, микробиологиянинг ҳам баҳридан ўтибди. Билет олишга пули йўқ экан, шунинг учун отасининг кутубхонасидаги пештахтадан тўртта китобни олиб хуфиёна магазинга элтибди.

Отасининг китобларини сотишдан тушган пул ҳам тез орада ўйин-кулги билан айш-ишратга етмай қолибди. Йигит отасининг кўчалик костюмини, амакисининг кумуш портсигарини олиб чиқиб сотибди...

Албатта, қиз боланинг йигит кишига ярамас таъсир ўтказишини кўрсатувчи фактлар жуда камданкам учрайди. Лекин биз шу фактларни роса таҳлил этиб, уларнинг асл сабабларини очиб ташламагунча хотиржам бўла олмаймиз. Бу ўринда ҳақиқат шуки, агарда Галя исмли қиз бошқача муомала қилганда, унинг ошиғи бўлган йигит имтиҳонларда иккини шу қадар кўп олмаган бўлур эди.

«Ҳар бир ишни хотинлардан кўринг», — деган экан бир донишманд. Чамаси у ишни ҳам, хотинларни ҳам жуда яхши тушунган бўлса керак.

Лекин ҳар бир ишни ҳам хотинлардан кўриш яхши бўлмаса керак. Аммо кўп ҳолларда йигитларнинг қоқилиши, йўлдан озиши, бемаза қилиқлар чиқариши ўзлари билан бирга юрувчи қизларнинг қош-қовоғи олдида бошланади. Ўз хуторларининг разилона қилиқлари Жюза сингарларни нима учундир хурсанд қилиб юборади. Ёки бўлмаса Наташа сингари қизлар ўз иззат-ҳурматларини сира ҳам билмайдилар. Ё бўлмаса Вика ва Катя сингари қизларнинг умуман ҳеч нарса билан ишлари бўлмайди.

Йўқ, асл қиз бола ўз йигити, қайлиғи ёки шунчайин бир танишини хулқ-атворига бепарволик билан қарамаслиги керак. Йигитни олийжаноб шижоаткорликка илҳомлантириб юбориш ҳам, тўғри йўлдан тўқсон градус ташқари чиқиб кетаётган йигитдан бамайлихотир юз ўгириш ҳам қиз боланинг қўлидан келади.

Бирон-бир Нина ёки Рита Толя ёки Сашага ўз маврудида:

— Ахир, асл йигитнинг йўриғини тутсанг-чи! — деб қўймаганликлари учун жуда кўп ҳолларда ишга милиция соқчиси, судья ва прокурорнинг аралашувига тўғри келади.

Лекин кофега доим коньякни қўшиб ичиш ёки хилват тор кўчада кекса одамни мазах қилиш сира ҳам асл йигитнинг иши эмас, албатта.

И. ШАТУНОВСКИЙ.
(«Правда», 1 июль)

Русчадан Турғун ПЎЛАТ таржимаси.



Қишлоқ манзараси.
А. Абалян фотоэтюди.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФУТБОЛ

Сафардан муваффақият билан қайтган «Политотдел» колхозчи футболчиларидан умид катта эди. Лекин колхоз командаси ўз майдонида кейинги турда бўлган учрашувда Вильнюснинг «Жальгирис» футболчиларига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу мағлубият пешқадамлар safига чиқиб олган қишлоқ спортчилари олдидаги вазифани яна қийинлаштирди. Республикамизнинг бошқа икки командаси — «Нефтяник» ва «Зарафшон» ўз уйларида яхши ўйнадилар. Фарғона футболчилари «Мешахте» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритган бўлсалар, навоийликлар Кировобод динамочиларидан икки очко олдилар (1:0).

1 июль куни мамлакат биринчилигининг олий лигасида иккита учрашув бўлди. Москвада пойтахт динамочиларига қарши ўйнаган мамлакат чемпионлари — киевликлар рақибларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Тўпларни Хмельницкий ва Серебряников киритди. Ленинградда эса «Зенит» ва «Шахтёр» куч синашди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади.

ВОЛЕЙБОЛ

Уральск шаҳрида 1955—56 йилда туғилган мактаб ўқувчиларининг «Кумуш тўп» совғини учун Бутуниттифоқ волейбол мусобақалари бўлди. Бу мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Тошкентдаги 40-мактаб ёш волейболчилари 18 команда ўртасида фахрли бешинчи ўринни олишди. Тошкент шаҳрининг 27-мактаб қизлар командаси ҳам дуруст қатнашишди. Улар Иттифоқда тўққизинчи бўлишди.

БАСКЕТБОЛ

Андижон область спорт-интернат мактабининг ўсмирлари Рига шаҳрига Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказиш учун борган эдилар. Улар бу мусобақада тўртинчи ўринни эгаллашди. Қизлар командалари ўртасида республикамиз шарафини ҳимоя қилган Фарғона шаҳридаги 11-мактаб командаси 17 та коллектив ўртасида бешинчи бўлди.

ШАШКА

Кеча Тошкентдаги марказий шахмат клубида ёшлар ўртасида Ўзбекистоннинг 22-чемпионати бошланди. Бу мусобақада 40 га яқин кучли шашкачи ўйнамоқда. Турнир шу ой охиригача давом этади.

Бугун Магнитогорск шаҳрида Совет Иттифоқи команда биринчилиги мусобақалари бошланади. Унга Ўзбекистоннинг ёш, талантли шашкачилари жўнаб кетишди. Улар орасида Субҳонқулов, Иброҳимов каби шашкачиларимиз бор.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30—Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.50 — Қўғирчоқ фильм, 19.10 — Пойтахтимиз меҳмонлари (концерт). 20.15 — Кўрсатишлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.25—Телеянгиликлар, 20.40 — Олимлар—пахтакорларга, 21.00—«Пропагандист» тележурнали, 21.30—Новеллалар телевизион театри. В. Багашов. «Жеймс Бонднинг туғилиши», Г. Слезар. «Ота ва қиз».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 — Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ТОРПЕДО» (Москва) — «ДИНАМО» (Тбилиси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30—«Фотимэ» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00—Фрунзе телестудиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/VII да Бой ила хизматчи, 4/VII да Аяжонларим, 5/VII да Мария Стюарт.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) — Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастроллари, 3/VII да Ғурбатда ғариб — Махтумқули.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Серафим Фролов севгиси — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИННИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж—Варшава визасиз — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тўй кунида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Занжирбанд орол — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Сароянлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Париж—Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА».

Розмари исмли қиз—ТЕЛЬМАН номли.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
6—7 ИЮЛДА

ЁЗГИ БИНОДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳ. ҒУЛОМ асари,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. ЛЕВИЕВ музикаси

АЖАБ САВДОЛАР

3 пардали музикали комедия

Постановчи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Р. ҲАМРОЕВ.

Режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. ШОКИРОВ.

Дирижёрлар — Н. ХАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — А. ҲАМИДОВ.

Концертмейстерлар— А. МАЛИНА, М. ФУРМАН.

Режиссер ассистенти — Р. МУҲИТДИНОВА.

Бош ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари Турсунхон ЖАФАРОВА, Эътиборхон ЖАЛИЛОВА, Сонб ХУЖАЕВ, Маҳмуджон ҒАФУРОВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЕРОВ; артистлар: Муҳаббат КАРИМОВА, Турсуной МАМЕДОВА, Рихсивой ЗОКИРОВ, Садриддин ФАЗОВ ва бошқалар.

Кеч соат 8 яримда бошланади.

Касса кундуз соат 12 дан очиқ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ 1-ОБЛАСТЛАРАРО АВТОТРЕСТИГА

катта инженер, иқтисодчи, катта бухгалтер-ревизор, бухгалтер-кассир

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 67-уй. Телефон 3-3-03-43.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Б—2313.
ИНДЕКС — 6469.
Р. 03179.